


БАҒДОДЛИК БЕМОР ҚИЗАЛОҚНИНГ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ УЧУН БИР КУНДА 23 МИЛЛИОН СЎМДАН ЗИЁД МАБЛАҒ ЙИҒИЛДИ

6 сентябрь куни “Kun.uz” интернет нашри бағдодлик 2 яшар қизалоқ – Маъмурахон Адҳамжонова жиддий хасталик боис ҳозирда зудлик билан даволанишга муҳтож экани ҳақида хабар пайдо бўлди. Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати мазкур хабар юзасидан ўрганиш ўтказиб, қизча ва унинг оиласи ҳолидан хабар олди.

Дастлаб туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Жамолиддин Шерғозиевга учраб, Маъмурахоннинг касаллик тарихи билан қизиқдик.

- Бемор 2007 йилда туманнинг Говхона қишлоғида туғилган ва унга туғма юрак нуқсони, қоринчалараро девор тешиклиги ташҳиси қўйилган, - дейди шифокор биз билан суҳбатда. – Ногиронлиги мавжуд. Бизда сўнги марта бундан икки ой бурун, шундан кейин вилоят шифохонасида даволанган. У ердаги ҳамкасбларимиз пойтахтдаги шифохонага йўлланма ёзиб беришган ва уларнинг айтишича, қизчанинг саломатлиги оғирлашмоқда, зудлик билан операция қилиниши зарур. Бемор бизда алоҳида рўйхатга олинган ҳамда доимий назоратимизда бўлиб турибди.



Мутахассиснинг тушунтиришича, гўдак туғилган илк кунларда туғма нуқсон катта бўлса, биринчи ҳафтада юрак етишмовчилиги ривожланади. Агар нуқсон кичкина бўлса, чақалоқда узоқ вақт касаллик белгилари кузатилмайди. Кўпчилик беморларда тез чарчаш, юракнинг тез-тез уриши, жисмоний зўриққанда ҳансираш кузатилади. Боланинг ҳаракати сустлашади, дард оғир кечганда беморда ўпка яллиғланиши кузатилади. Хастанинг тери қопламлари оқарган, у жисмоний ривожланишдан орқада қолган бўлади. Беморнинг юрак соҳасида шовқин эшитилади. Бу турдаги касалликни фақатгина жарроҳлик амалиёти билан даволаш мумкин, холос.

Говхона қишлоғидамыз: оддий қишлоқ хонадони. Она-бола токсўрининг соясида ўтирибди. Мавлудахон (беморнинг онаси) бизни очиқ юз билан қаршилади. Ҳол-аҳвол сўраган бўлдик.



- Худога шукр, ўтирибмиз, - деди Мавлудахон бошини қуйи солиб. - Тўғриси, жуда қийин аҳволда қолдик: биттагина фарзандимиз кўзимиз олдида сўлиб боряпти. Чорасизлик қурсин... Икки йилдан бери дўхтирма-дўхтир югурамиз. Шифокорларга минг раҳмат, касалликни эрта аниқлашган экан, вақти-вақти билан даволаниб турибмиз. Лекин туновда Тошкентдаги врачлар кўригида бўлиб қайтдик, аҳвол жиддий, тезда операция қилмасак бўлмайди, дейишди. Аммо... операциянинг нархини айтишганди, ташвишимиз янаям ошди. Ахир шунча пулни қайдан топамиз?..

Сухбатдошимиз қўлимизга қоғоз тутқазди: номдор клиникалардан бирининг ҳисоб-китоб варақаси. Унда жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун зарур бўлган маблағ қайд қилинган - 35 миллион 860 минг сўм!



Форма расчета медицинских услуг

Пожалуйста внимательно ознакомьтесь с настоящей формой расчета медицинских услуг

Ф.И.О. пациента	
Дата Рождения	
Контактный номер	
Лечащий Врач	Пирназаров Ж.Т.
Место нахождения предполагаемого лечения	г. Ташкент, ул. Кичик Халка Йули, 5 А
Предполагаемая процедура	Пластика ДМЖП
Детали и предполагаемая стоимость процедуры	
Цена Операции	17 000 000
Анестезиология	2 500 000
Анализы	4 000 000
Койко-день: реанимация	3 8 400 000
Койко-день: стационар	6 3 960 000
Общая Сумма	35 860 000

Перечень услуг входящих в стоимость процедуры:

- Все запланированные расходные материалы используемые во время процедуры;
- Все запланированные услуги и средства входящие в стоимость стационара (госпитализация с размещением в палате; четырехразовое питание; назначение курса лечения; ежедневное наблюдение лечащего врача; ежедневный сестринский уход; применение базовых, установленных и имеющихся у Медицинского Центра лекарственных препаратов (до 80 000 сум в 1 день), использование изделий медицинского назначения) на количество указанных дней;
- Все запланированные используемые расходные материалы и затраты на используемое оборудование в реанимации на количество указанных дней.

В стоимость процедуры не входят

- Дополнительные использованные во время процедуры сверх запланированных расходные материалы;
- Дополнительные дни в стационаре и реанимации сверх вышеуказанных;
- Дополнительные анализы и диагностика требуемые по назначению специалиста;
- Услуги и/или иная лечебно-диагностическая помощь Медицинского Центра, не входящие в стоимость процедуры, стационара и реанимации (СПА-процедуры, диагностика и т.д.);
- Предоставление лекарственных препаратов и услуг на дом.

Дополнительная информация

- Вышеуказанная Общая Сумма процедуры не является окончательной и при необходимости может подлежать дальнейшему пересмотру по результатам фактически оказанных услуг;
- Платежи по данным расчетам осуществляются на условиях 100% предоплаты с момента размещения в палате;
- Медицинский Центр не несет ответственности и не возвращает уплаченную сумму за фактически оказанные услуги в случае неблагоприятного исхода процедуры.

Предполагаемая Общая Сумма

35 860 000

2019-8-23 22:57

- Маҳалладагилар қаровсиз қолдиргани йўқ, албатта, - Мавлудахон гапида давом этди. - Туман ҳокимлиги ҳам ердан бериб турибди. Яқинда 5 миллион сумга 4 бош қуй олиб беришди. Бундан ташқари, қизчамизга ногиронлик нафақаси, икки ёшгача нафақа пули белгиланган - ойма-ой олиб турибмиз. Дадамиз хўжалик ишлари билан машғул. Афсуски, ҳар ой тўплаган пулимиз қизимнинг дори-дармонига аранг етади. Зарур дориларни Ҳиндистондан келтириб беришади, шу билан

амаллаб турибмиз. Минг ҳижолатли бўлса-да, операция учун яхшилар ёрдамига муҳтожмиз.



Қизалоққа шифо тилаб, дарвозадан чиқар эканмиз, онаизорнинг: “Илтимо-о-ос, ёрдам беринглар, қизчамнинг ҳаётини сақлаб қолинглар” деган йиғи аралаш овози ич-этимизни ўртади...

Албатта, яхши инсонлар кўп орамизда. Икки оғиз шу ҳақда...

Жадал суръатда оммалашаётган “Телеграм” ижтимоий тармоғида “Bagdad Drivers” канали мавжуд, кўз тегмасин, канал аъзолари кундан кунга ортиб бормоқда. Мазкур канал расмийлари “Kup.uz” интернет нашрида Маъмурахон ҳақидаги хабар пайдо бўлиши билан ўз аъзолари учун навбатдаги хайрия акциясини эълон қилди. Қарангки, орадан бир кун ўтмасидан, Маъмурахон учун банкда махсус очилган ҳисоб-рақамга (банк пластик картасига) келиб тушган маблағ 23 миллион (!) сўмдан ошиб кетган. Саховатпеша ҳамюртларимизнинг беминнат ҳимматидан одамнинг кўнгли ёришади-я!..



Маъмурахон! Яратган умр берса, сен ҳали яшайсан, қизим! Меҳрибон ота-онанг кўзларини қувончга тўлдирасан! Шу она Ватанга кў-ў-ўп нафинг тегади ҳали! Буткул соғайиб, оёққа турганингда, тилларинг бурро-бурро бўлганида, сени ҳаётга қайтарган яхши инсонларга ўзинг раҳмат айтасан. Унгача, сенинг номингдан мен чексиз ташаккур билдираман уларга...

Давлатжон ПОЛВОНОВ,
Бағдод тумани ҳокимлиги
Ахборот хизмати раҳбари.

2019-09-07 14:50:27